

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТЕРАПИЯ ВА ТИББИЙ
РЕАБИЛИТАЦИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АХМАТХОДЖАЕВ АБДУЖАБАР МУХИДИНОВИЧ

**БРОНХООБСТРУКТИВ АСОРАТЛАРИ ГАСТРОЭЗОФАГЕАЛ
РЕФЛЮКС КАСАЛЛИГИНИНГ КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК ВА
ТЕРАПЕВТИК АСПЕКТЛАРИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Ахматходжаев Абдужабар Мухидинович Бронхообструктив асоратлари гастроэзофагеал рефлюкс касаллигининг клиник-патогенетик ва терапевтик аспектлари	3
Ахматходжаев Абдужабар Мухидинович Клинико-патогенетические и терапевтические аспекты гастроэзофагеальной рефлюксной болезни с бронхообструктивными осложнениями	25
Akhmatkhodjaev Abdujabar Mukhidinovich Clinical-pathogenetic and therapeutic aspects of gastroesophageal reflux disease with broncho-obstructive complications	47
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	51

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТЕРАПИЯ ВА ТИББИЙ
РЕАБИЛИТАЦИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АХМАТХОДЖАЕВ АБДУЖАБАР МУХИДИНОВИЧ

**БРОНХООБСТРУКТИВ АСОРАТЛАРИ ГАСТРОЭЗОФАГЕАЛ
РЕФЛЮКС КАСАЛЛИГИНИНГ КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК ВА
ТЕРАПЕВТИК АСПЕКТЛАРИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Tib41 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Каримов Мирвасит Мирвасикович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хамраев Абдор Асрорович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Захидова Машкура Зияматовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Аралов Нематилла
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Новосибирск Давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+998 71) 1507825, e-mail: tta2005@mail.ru).

Докторлик (DSc) диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент, Фаробий кўчаси 2-уй. ТТА 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (99871)- 150-78-14).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Б. Х. Шагазатова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А. Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Гастроэнтерологиянинг энг кўп тарқалган касалликларидан бири – гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги (ГЭРК) меҳнатга яроқли аҳолининг кўп қисмини зарарлайди ва соғлиқни сақлаш тизими учун жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотиغا кўра «...турли минтақаларда ГЭРК белгилари аҳолининг 5% идан 25% игача қайд қилиниб, касаллик беморларнинг ҳаёт сифатини сезиларли даражада пасайиши ва фармакоиктисодий сарф-харажатларни ошириши аниқланган. Бу ҳолат антисекретор ва антацид дори воситаларини узоқ вақт қабул қилиш ҳамда беморларда қизилўнғачдан ташқи асоратларини тез-тез учраши, кейинчалик Баррет қизилўнғачининг шаклланишигача ва қизилўнғач аденокарциномасигача ривожланишига олиб келиши исботланган...»¹.

Дунёнинг турли давлатларида ГЭРК муаммоси бўйича кўп сонли тадқиқотлар, замонавий ташхислаш усуллари даволаш ва профилактикаси ишлаб чиқишига қарамасдан, «...ГЭРКда қизилўнғач ва айниқса бронх-ўпка асоратларини ташхислаш, даволаш ва профилактикаси мураккаб бўлиб, жуда кўп вазиятларда даволаш натижалари амалиёт шифокорлари талабларини қондирмайди ҳамда жуда кўп мамлакатларда ушбу касалликнинг учраш ҳолати сақланиб турибди...»². ГЭРКда олиб борилган анъанавий даволаш усуллари ГЭРКни бронхообструктив кўринишлар билан бирга келганда доим ҳам бир хил натижаларни бермайди, бу эса кейинчалик янада самарали, дифференциялашган даволаш усуллари ишлаб чиқиш бугунги кундаги долзарб муаммолардан бири эканлигини намоён қилади.

Жаҳонда гастроэзофагеал рефлюкс касаллигининг бронхообструктив асоратларининг клиник-патогенетик ва терапевтик даволаш самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги ва уни овқат ўтказиш йўлидан ташқи, бронхообструктив кўринишларини ташкиллаштирилган гуруҳлар орасида тарқалишини, гастроэзофагеал рефлюктантни беморларда касалликни кечиш характериға клиник ва биокимёвий ўзига хосликлари таъсирини, гастроэзофагеал рефлюкс касаллигининг «нордон» ва «ишқорий» вариантларини клиник ўзига хосликларини, қон плазмаси азот оксидининг охириги метаболитлари даражасига боғлиқлиги ўзгармаган қон плазмасидаги яллиғланишга қарши цитокинлар миқдорини асослашдан иборат. Гастроэзофагеал рефлюкс касаллигининг бронхообструктив асоратларининг клинко-патогенетик ва терапевтик асоратлари ривожланиш хавф омилларини, шунингдек, касалликнинг клиник кечиш вариантларига боғлиқ ҳолда бронхообструктив синдромни, беморларда текшириш ўтказишга комплекс ёндошувни ишлаб чиқиш, клиник-инструментал, иммунологик ва

¹ Spechler S.J, Souza R.F: Barrett's esophagus //N Engl J Med. – 2014. – Vol. 371. – P. 836-845

² Оценка эффективности альгинат-рафтового барьера в лечении гастроэзофагеальной рефлюксной болезни / Д. С. Бордин, А. А. Машарова, Л. Д. Фирсова и др. // Экспериментальная и клиническая гастроэнтерология. – 2016. № 6. - С. 77-81

биокимиёвий текшириш усуллари характерини аниқлаш имконини берувчи бронхиал астма кўринишидаги асоратлар характерига боғлиқ бўлган касалликни комплекс ва дифференцияланган даволаш усуллари ишлаб чиқиш ҳамда профилактик тадбирлар механизмини яратиш, касалликнинг асоратларини камайтириш ва бартараф этишнинг замонавий усуллари такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизнинг тиббиёт соҳасини ривожлантириш, замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, турли касалликларни олдини олиш асоратларни камайтириш тиббиёт ходимлари олдида турган вазифалардан биридир. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилишчи тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш...»³ вазифалари юклатилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда аҳоли орасида гастроэзофагеал рефлюкс касаллигининг бронхообструктив асоратларининг клиник-патогенетик ва терапевтик даволаш ҳамда сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали овқат ҳазм қилиш тизими касалликларини камайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁴. Гастроэзофагеал рефлюкс касаллигининг бронхообструктив асоратларининг клиник-патогенетик ва терапевтик даволаш тизимини самарадорлигига эришиш бўйича илмий изланишлар дунёнинг қатор етакчи тиббий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: North China University (Хитой), Karpaga Vinayaga Institute of Dental Sciences (Ҳиндистон), Ege University (Туркия), University of Utah (АҚШ), Academic Medical Centre

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони

⁴ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.ncst.admissions.cn, www.kveg.in, www.ege.edu.tr, www.utah.edu, www.amc.nl, www.incan.salud.gob.mx, www.unifesp.br, www.ku.edu, www.usc.edu, www.umassmed.edu, www.missouri.edu, ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган

Amsterdam (Нидерландия), Instituto Nacional de Cancerología (Мексика), Universidade Federal de São Paulo (Бразилия), University of Kansas (АҚШ), University of Southern California (АҚШ), University of Massachusetts (АҚШ), University of Missouri (Колумбия), National Institutes of Health, National Institute of Diabetes and Digestive and Kidney Diseases, Stanford University Medical Center (АҚШ); University of Wisconsin Madison (АҚШ); Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда⁵.

Гастроэзофагеал рефлюкс касаллигининг бронхообструктив асоратларининг клиник-патогенетик ва терапевтик даволаш самарадорлигига эришиш бўйича ишлаб чиқишни ҳал қилиш учун қаратилган қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги нам йўтал билан кечишни пантапрозол ёрдамида даволаш тизимини жорий қилишнинг клиник даволаш тизими исботланган North China University (Хитой); гастроэзофагеал рефлюкс касалликлари, гастрит ва ярали колит билан биргаликда кечишни перорал ўзгаришини, клиник патологик текширишлар орқали исботланган Karpaga Vinayaga Institute of Dental Sciences (Ҳиндистон); гастроэзофагеал рефлюкс симптомларининг айрим гуруҳчаларда руҳий коморбидлигини тарқалиши асосланган Ege University (Туркия); гастроэзофагеал рефлюкс касалликлари билан хасталанган беморларни сифатли парваришлашни беморлар ҳаёт сифатига таъсири University of Utah (АҚШ); гастроэзофагеал рефлюксни баҳолаш саволномалари ишлаб чиқилган Academic Medical Centre Amsterdam (Нидерландия); гастроэзофагеал рефлюкснинг хасталигини хирургик усулда даволашда консесуснинг самарадорлиги 90%ни ташкил қилиши асосланган Instituto Nacional de Cancerología (Мексика), гастроэзофагеал рефлюкс хасталигини даволашда далилларга асосланган тиббиётнинг маълумотлари асосида исботланган Universidade Federal de São Paulo (Бразилия); National Institutes of Health, National Institute of Diabetes and Digestive and Kidney Diseases (АҚШ); гастроэзофагеал рефлюкснинг хасталигининг қизилўнгач ва ошқозон тизимида юзага келадиган асоратлари исботланган (University of Kansas (АҚШ); гастроэзофагеал рефлюкс касаллигининг бронхообструктив асоратларининг клиник-патогенетик ва терапевтик даволаш самарадорлиги баҳоланган (Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази, Ўзбекистон).

Дунёда гастроэзофагеал рефлюкс касаллигининг бронхообструктив асоратларининг клиник-патогенетик ва терапевтик даволаш ва олдини олишни такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда: гастроэзофагеал рефлюкс касаллигининг бронхообструктив асоратлари турли минтақалардаги аҳоли гуруҳлари орасида тарқалишига боғлиқ бўлган эндоген ва экзоген омилларни асослаш, гастроэзофагеал рефлюктантни

⁵Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.ncst.admissions.cn, www.kveg.in, www.ege.edu.tr, www.utah.edu, www.amc.nl, www.incan.salud.gob.mx, www.unifesp.br, www.ku.edu, www.usc.edu, www.umassmed.edu, www.missouri.edu, ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

беморларда касалликни кечиш характерини инструментал ва биокимёвий кўрсаткичларини ўзига хосликлари асослаш, касалликнинг «нордон» ва «ишқорий» вариантларини клиник ўзига хосликларини қон плазмасидаги яллиғланишга қарши цитокинлар миқдорини, меъданинг шиллиқ қаватида хеликобактер инфекциясининг мавжудлигига боғлиқлигини асослаш, гастроэзофагеал рефлюкс касаллигининг бронхообструктив асоратларининг клиник-патогенетик асоратлари ривожланиш хавф омилларини комплекс ва дифференциялашган даволаш усулларини ишлаб чиқишнитаконилаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон статистик маълумотларига кўра гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги ҳозирги кунда замонавий гастроэнтрологиянинг етакчи касалликларидан бири ҳисобланади, бу эса бежиз эмаски, гастроэнтерологларнинг олтинчи Европа ҳафталигида (Бирмингем, 1997) «XX аср-меъда яра касаллигисиз, XXI аср-гастроэзофагеал рефлюкс касаллигисиз асри» шиори билан номланишига сабаб бўлмади. ГЭРК асорати бўлган Баррет қизилўнгачи натижасида қизилўнгач аденокарциномасини ривожланиши сабабли сўнгги йилларда клиницистлар диққат марказида ГЭРК янада ўзининг долзарблигини юзага келтирди. Турли муаллифларнинг маълумотларига кўра аҳолининг 40%-50% қисми доимо ГЭРКнинг асосий белгиси бўлган – жиғилдон қайнашини хис этади, аҳолининг 3-4% эса рефлюкс-эзофагитнинг турли даражада намоён бўлиши, 6-12% меъда-ичак тизимининг юқори бўлимларида эндоскопик текширишларда ўзгаришлар аниқланади (Чугунникова Л.И., Минушкин О.Н., Масловский Л.В., 2006; Цуканов В.В., Онучина Е.В., 2010; Шептулин А.А. 2000). Рефлюкс эзофагит касаллигининг ўсиш даражаси беморнинг ёши катталашган сари ортиб бориши, унинг асоратлари эса 50 ёшдан ошган беморларда аниқланиши кузатилди (Annese V., 2000; Armstrong D. 2004; Asanuma K., Huo X., Agoston A. 2015). ГЭРК муаммосининг долзарблиги, унинг кенг тарқалганлиги билан ифодаланиб, беморлар ҳаёт сифатини оғирлаштирувчи одатий белгилар ва ГЭРК диагностикасини қийинлаштирувчи ноодатий белгилар мавжудлиги ва унинг бир қатор нозологияларни гипердиагностикасига олиб келишига хосдир (жумладан, юракнинг ишемик касалликлари). ГЭРК кўпинча оғир асоратлар билан кузатилади (қизилўнгач яраси ва эрозиясидан қон кетиши), бронхиал астмани кечишини оғирлаштиради ва сурункали обструктив бронхит, зотилжам, ўпка фибрози, синуситлар, дисфония, орқа ларингит, контакт гранулема, фарингит, халқум, хиқилдоқ ва овоз пайлари хавфли ўсмаларини ривожланиш сабаби бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда ошқозон ичак тизими касалликларини ташхислаш, даволаш ва олдини олиш борасида бир қатор илмий ишлар мутаххасислар томонидан бажарилган (Рустамова М.Т., 2001; Хамраев А.А., 2009, 2018; Хамрабоева Ф.И., 2017; М.З.Захидова, 2018). Бироқ, гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги нафақат сурункали, юқори нафас йўллари касалликлари билан бирга келиши, балки уларни кечишини оғирлаштириши ҳам мумкин. Шу билан бир вақтда ГЭРК ушбу касалликларнинг индуктори ва триггери бўлиши мумкин. Сўнгги йилларда ГЭРКни даволашда қўлга киритилган

ютукларга қарамасдан, ГЭРКни даволашдаги мавжуд муаммолар хали ҳам охиригача хал этилмаган. Ҳозирги кунга келиб, ГЭРКни даволаш асосини антисекретор дори воситалари ва прокинетиқлар ташкил этиб, уларни монотерапия кўриниши ва турли муддатларда қабул қилувчи комплекслар таркибига киритилиши мумкин. Бироқ, ГЭРКни фармакотерапиядаги муаммонинг дифференциал усулларига бир хил нуқтаи назарнинг мавжуд эмаслиги, касалликни клиник-патогенетик вариантларига боғлиқ равишда, овқат ўтиш йўлларида ташқи, бронхиал астма (БА) ва ўпканинг сурункали обструктив касалликлари (ЎСОК) ГЭРК касаллигини даволашга турли-туман қарашларни юзага келишига сабаб бўлди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказининг АДСС 15.3 «Гастроэзофагеал рефлюкс касаллигини эрта ташхислаш ва даволашда янги технологияларни ишлаб чиқиш, буни касалликни клиник кечиш характериға боғлиқлиги, дуоденогастрал ва гастроэзофагеал рефлюктантнинг биокимёвий ўзига хослиги (нордон, аралаш ва ишқорий) ва овқат ўтказиш йўлидан ташқи, бронхообструктив асоратларнинг мавжудлиги» мавзуси доирасида бажарилган (2013-2018 йй).

Тадқиқотнинг мақсади гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги беморларда бронхиал астма ва ўпканинг сурункали обструктив касалликлари кўринишидаги овқат ўтиш йўлидан ташқи бронхообструктив асоратларини ривожланиш хавф омилларини, касалликнинг клиник кечишига комплекс ёндошувни, морфологик ва функционал тавсифномаси, бронхообструктив асоратларни дифференциал даволаш стратегияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги ва уни овқат ўтказиш йўлидан ташқи, бронхообструктив кўринишларини Тошкент шаҳрининг чегараланган, ташкиллаштирилган аҳоли гуруҳлари орасида тарқалишини баҳолаш;

гастроэзофагеал рефлюктантни ГЭРК беморларида касалликни кечиш характериға клиник ва биокимёвий ўзига хосликларини таъсирини аниқлаш;

гастроэзофагеал рефлюкс касаллигининг «нордон» ва «ишқорий» вариантларини клиник ўзига хосликларини қиёсий ўрганиш, бунда қон плазмаси азот оксидининг охириги метаболитлари даражасига боғлиқлиги ва қон плазмасидаги яллиғланишга қарши цитокинлар миқдорини баҳолаш;

меъданинг шиллиқ қаватида хеликобактер инфекциясининг мавжудлигига боғлиқ бўлган ГЭРКни «нордон» ва «ишқорий» вариантлари кечишини клиник инструментал ва биокимёвий ўзига хослигини бегилаш натижада эрадикацион терапияни қўллаш;

гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги асоратлари ривожланиш хавф омилларини баҳолаш, шунингдек, ГЭРКнинг клиник кечиши вариантларига боғлиқ холда бронхообструктив синдромни баҳолаш;

гастроэзофагеалрефлюкс касаллиги борбеморларда текшириш ўтказишга комплекс ёндошувни ишлаб чиқиш, бунга клиник-инструментал,

иммунологик ва биокимийвий текшириш усуллари характери аниқлаш имконини берувчи овқат ўтиш йўлидан ташқи ва бронхообструктив асоратларини баҳолаш;

БА ва ЎСОК кўринишидаги бронхообструктив асоратлар характерига боғлиқ бўлган ГЭРКни комплекс ва дифференциялашган даволаш усуллари ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида гастроэзофагеал рефлюкс касаллигини аниқлашда махсус сўровнома билан анкета текширувида иштирок этган Тошкент шаҳрининг 400 нафар аҳолиси ва ГЭРКни верифицирланган ташхиси кўйилган 163 нафар бемор танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида асосий биокимийвий кўрсаткичларни миқдорий аниқлаш учун веноз қони ва қон зардоби, меъда шираси, ўт суюқлиги материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотларини олиб боришда клиник, биокимийвий, инструментал ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

дуоденогастрал рефлюктант ва гастроэзофагеал характерга боғлиқ гастроэзофагеал рефлюкс касаллигининг бронхообструктив асоратларининг клиник-патогенетик ва терапевтик даволашда беморларни клиник ва функционал маълумотларини батафсил таҳлили асосланган;

гастроэзофагеал рефлюкс касаллигининг клинко-патогенетик ва терапевтик даволаш самарадорлиги амбулатор ва стационар босқичда ташхислаш ва даволашни турли вариантларини эпидемиологик ва антропометрик хусусиятлари исботланган;

гастроэзофагеал рефлюкс касалликларида беморларнинг қон плазмасида яллиғланишга қарши цитокинлар ва азот оксидининг якуний метаболитларининг даражасини аниқлаш ўтказилди ва соғлом кишилардаги цитокинлар миқдори ҳамда нитрат-нитритлар миқдорини қиёсий кўрсаткичлари исботланган;

яллиғланишга қарши цитокинлар ва азот оксидининг якуний метаболитларининг даражасига боғлиқ ҳолдаги ГЭРКнинг клиник ўзига хослигини, касалликнинг «нордон» ва «ишқорий» вариантларини кечишига эрадикацион терапиянинг таъсирини исботланган;

гастроэзофагеал рефлюкс касаллигининг кечишига дуоденал гипертензия синдроми ва дуоденогастрал рефлюктант характери таъсири, касалликнинг клиник кечиш характери овуқат ўтказиш йўлидан ташқи бронхообструктив асоратлар ривожланишига таъсири исботланган;

овқат ўтказиш йўлидан ташқи асоратлари билан бирга кечувчи гастроэзофагеал рефлюкс касаллигини клиник кечиш характери беморлар ҳаёт сифат кўрсаткичларига таъсир механизми исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

гастроэзофагеал рефлюкс касаллигининг «ишқорий» ва «нордон» вариантларининг клиник ташхислаш тизими ишлаб чиқилган;

гастроэзофагеал рефлюкс касаллигининг овқат ўтказиш йўлидан ташқи, бронхообструктив кўринишлари ва кечиш вариантлари ажратиб олинган ва амалиёт врачлари учун зарур бўлган мезонлари ишлаб чиқилган;

гастроэзофагеал рефлюкс касаллигининг клиник кўринишидаги ташхислаш, морфологик ўзгаришлари ва даволаш натижалари бўйича кўшимча текшириш усуллари кўрсаткичларининг белгиларини аниқ мезони келтирилган;

гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги бор беморларни овқат ҳазм қилиш йўллари кислотага боғлиқ касалликлари билан оғриган умумий беморларнинг клиник кўриниши бўйича учдан бирини ташкил этганлиги асосланган;

Бунда беморларнинг аксарияти ёш ва ўрта ёшли кишиларни ташкил этиши, касалликнинг оғирлик даражаси яллиғланиш цитокинлари ва азот оксиди метаболитлари даражасини ортиши билан корреляция қилиш тизими очиқ берилган;

ГЭРКнинг «ишқорий» вариантларни ривожланиш триггерлари бўлиб, ортиқча бактериял ўсиш синдроми ва дуоденал гипертензия синдромининг мавжудлиги, бу эса беморларни ҳаёт сифат кўрсаткичларини янада яққол бузилиши ва тез-тез бронхообструктив асоратларини ривожланиши билан характерланган;

деконъюгирланган ўт кислоталарининг юқори таркиби билан келувчи дуоденогастрал рефлюктант характери билан яхши корреляция бўлувчи касалликнинг асосий клиник симптомларини яққол намоён бўлиши ва лизофасфатидилхолин миқдори ҳамда хлорид кислотани ўт кислоталари билан биргаликда ва лизолецитин иштирокида узок вақт давомида қизилўнгачнинг шиллиқ қаватига таъсир механизми асосланган;

ГЭРКнинг овқат ўтиш йўлидан ташқи, бронхообструктив асоратларининг келиб чиқиши, касалликнинг клиник вариантларига боғлиқ ҳолда ГЭРК беморларини терапевтик даволашни оптимал ёндошувлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ишда қўлланилган назарий ёндошув ва усуллар, олиб борилган клиник тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги объективклиник, клиник, биокимёвий, инструментал, статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, гастроэзофагеал рефлюкс касаллигининг бронхообструктив асоратларининг клиник-патогенетик ва терапевтик даволаш самарадорлигини ташхислаш ва самарали даволаш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамиятигастроэзофагеал рефлюкс касаллигининг гастроэзофагеал рефлюктант характерига боғлиқ равишда бронх-ўпка асоратлари, овқат ўтказиш йўлидан ташқи асоратлар асосида ётувчи асосий патогенетик механизмларини аниқлаш ва БА ва ЎСОК билан ассоциацияланувчи ГЭРКнинг дифференциалланувчи даволаш усулларини ишлаб чиқиш базасини яратилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти гастрозофагеал рефлюкс касаллигининг «нордон» вариантыда гастрозофагеал рефлюктант тўртдан паст бўлган рН-метр мезонлари, азот оксиди метаболитларининг гипермаҳсулоти бўлиб ҳисобланган асосий патогенетик механизмлар, ФКЕ бузилишларини коррекция қилиш мақсадида антисекретор дори воситалари комплексига нитрит ва нитратлар метаболизмининг корректори бўлган метионинни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Дуоденал гипертензия синдроми билан келувчи рефлюктантни 4 дан юқори бўлиши билан характерланувчи рН-метрия, ГЭРКнинг «ишқорий» вариантлари агрессияси ГЭРКнинг ассоциацияланган шаклидаги ЎСОК касаллиги патогенезини асосини ташкил этиши ва натижада қизилўнгачга хлорид кислотадан ташқари ўт компонентларини ташланиши антисекретор терапия комплексига урсодезоксихолин кислотасини қўшиш мақсадга мувофиқлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Гастрозофагеал рефлюкс касаллигининг бронхообструктив асоратларининг клиник-патогенетик ва терапевтик даволаш самарадорлигини баҳолаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Гастрозофагеал касалликлар» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 1 апрелдаги 8н-д/25-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма гастрозофагеал рефлюкс касаллигининг бронхообструктив асоратларини клиник-патогенетик ва терапевтик даволаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

«Амбулатор-поликлиника шароитида ноинвазив гатрозофагеал рефлюкс касаллигини ташхислашда трансабдоминал ультрасонография усулини қўллаш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 14 ноябрдаги 8н-р/170-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма амбулатор-поликлиника шароитида ноинвазив гатрозофагеал рефлюкс касаллигини ташхислашда трансабдоминал ультрасонография усулини қўллаш орқали гастрозофагеал рефлюкс касаллигининг бронхообструктив асоратларини ташхислаш ва терапевтик даволаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

гастрозофагеал рефлюкс касаллигининг бронхообструктив асоратларининг клиник-патогенетик ва терапевтик даволаш самарадорлигини ташхислашни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази, махсуслаштирилган даволаш муассасаларининг клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 21 ноябрдаги 8н-з/203-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши гастрозофагеал рефлюкс касаллигининг бронхообструктив асоратларининг клиник-патогенетик ва терапевтик даволаш самарадорлигини баҳолаш транскутант трансабдоминал ультратовуш тадқиқоти натижаларида

касалликни ташхислаш 93%ни, сезувчанлиги 90%ни, спецификлиги 94%ни ташкил қилиш баҳолаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та журнал мақоласи, шундан 10 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 204 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаби асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги муаммоларининг замонавий аспекти**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда касаллик патогенезида ГЭРКнинг энг аҳамиятли патогенетик омилларини ўрганилиш даражаси таҳлил қилинди. Унинг овқат ўтказиш йўлидан ташқи, ўпка-бронх кўринишларига алоҳида урғу берилди. Далилларга асосланган тиббиёт нуқтаи назаридан фармакотерапия масалалари тўлиқ ёритилди. ГЭРКнинг фармакотерапиясига замонавий ёндошув акс этирилган, муаммонинг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган, шунингдек, мазкур муаммонинг ўз ечимини топган ҳамда ечими топилиши лозим бўлган аспекти белгиланган.

Диссертациянинг «**Гастроэзофагеал рефлюкс касаллигининг овқат ўтказиш йўлидан ташқи кўринишларини тадқиқ қилиш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий тавсифи, лаборатор-функционал, инструментал ва статистик тадқиқот усуллари ёритилган. ГЭРКнинг учраш сони, унинг кечиш характери ва уни овқат ўтказиш йўлидан ташқи, бронх-ўпка асоратларини аниқлаш мақсадида тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи 400 нафар аҳоли орасида GSRS стандарт саволномаси асосида тузилган саволномадан фойдаланиб, анкета

сўрови ўтказилди. ГЭРК касаллик белгилари аниқланганларда эса эндоскопик, рН-метрик ва спирографик тадқиқотлар ўтказилди.

Эзофагогастроуденоскопия Olympus фиброэндоскопи ёрдамида стандарт усул орқали ўтказилди. Қизилўнгач шиллиқ қаватининг зарарланиш даражаси М. Savari ва G. Miller таснифига мос ҳолда баҳоланди. ГЭРК беморларида қисқа муддатли рН-метрия «АГМ-03» рақамли ацидогастрометр (ГНПП «Исток-система», Россия) асбоби ёрдамида ўтказилди.

Биз беморлардаги НР эрадикациясининг мавжудлиги ва даражасини ноинвазив, нафас «Хелик» тести билан аниқладик (АМА, С.Петербург). Ташқи нафас функцияси «Fucuda» (Япония) компаниясининг ST-95 кўп функцияли автоматлаштирилган спироанализатори ёрдамида ўрганилди.

БА ташхиси GINA мезонлари асосида ўрнатилди. ЎСОК ташхиси эса ўзига хос бўлган шикоятлар, анамнез ва GOLD мезонлари асосида қайд қилинди. Дуоденал гипертензия ташхисини қўйиш меъдани зондлаш жараёнида, меъда ёриғида дуоденогастрал рефлюкс ўтини бор ёки йўқлигига қараб қўйилди. Шунингдек биз меъда ширасида конъюгирланган ва деконъюгирланган бирламчи ва иккиламчи ўт кислоталари, лизофасфатидилхолин миқдори ва A_2 фосфолипаза фаол ферментлари миқдорини ўргандик. Меъда ширасида фосфолипаза фаоллигини аниқлаш ўтказилди, бунда Ca^{++} фаоллигига боғлиқ металлофермент A_2O фосфолипазининг маҳаллий иммунитетни кўрсаткичлар ҳолати, меъда-ичак тизимининг юқори бўлимлари ҳолатини баҳолашда меъда шираси суспензиясини аниқлаш йўли билан амалга оширилди. Бунда меъда ширасидаги секретор иммуноглобулин А фракцион зондлаш усули билан олинди. sIG Ани Манчини бўйича радиал иммунодиффуз усули билан аниқланди. Қон зардоби таркибидаги яллиғланиш цитокинлари бўлган ИЛ-6 ва α -хавфли ўсмалар некрози омили (α -ЎНФ)ни аниқлаш «цитокин» (Санкт Петербург) ООО фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган реактивларни қўллаш ёрдамида иммуноферментатив таҳлил ўтказиш усули билан ўтказилди.

Маълумотларни статистик қайта ишлаш учун STASTISTICA-6,0 дастуридан фойдаланилди.

Диссертациянинг «Гастроэзофагеал рефлюксни тарқалиши, унинг клиник шакллари ва қизилўнгач йўлидан ташқи кўринишлари» деб номланган учинчи бобида Тошкент шаҳар аҳолиси орасида касалликнинг кечиш характери ва тарқалиш сонини ўрганиш натижалари келтирилган. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, тадқиқотда иштирок этган популяция орасида ГЭРКни аниқлаш частотаси 26%ни ташкил этди. ГЭРК кўпроқ аёлларда (62,5%), шунингдек ортиқча тана оғирлигига эга бўлган шахсларда (44,2%) ва семиз кишиларда (38,5%) аниқланди. ГЭРКни ёш тоифасида учраши асосан ўрта (33,6%) ва катта ёшли кишиларда (20,2%) ёш гуруҳларда қайд қилинди. ГЭРК беморларидан тадқиқотда иштирок этганларнинг 10 нафаридан кейинчалик ўтказилган клиник-инструментал текширишлар, уларда асосий шикоят - жиғилдон қайнаши (84%) бўлганлигини кўрсатди. Беморлар томонидан бўлган шикоятлар ичида кейинги ўринда кекириш ва регургитация қайд этилди. Эзофагогастророскопия ўтказилган 96 нафар

тадқиқот иштирокчисидан 82 нафариди (75%) катарал эзофагит аниқланди. 17 нафар тадқиқот иштирокчисиди (25%) эзофагитнинг биринчи даражали эрозив шакли аниқланган ва 7 нафар беморди иккинчи даражали M. Savari ва G. Millor тавсифи бўйича аниқланди.

Тошкент шаҳридаги ташкиллаштирилган жамоа орасиди ўтказилган анкета сўровномасиди БА ва ЎСОКни тарқалиш сони 9% ва 10%га мосликни ташкил этди. Тадқиқотди иштирок этган шахсларди ГЭРК белгилари мавжуд бўлганди БА (21%) ва ЎСОК (19%)ни учраш сони икки мартага ортиши аниқланди, БА билан ассоциацияланган ГЭРКди касалликни ўртача оғирликди кечишини юқори бўлиши қайд қилинди (умумий популяциянинг 19% ва БА билан ассоциацияланган ГЭРКди 29%). БА билан ассоциацияланган ГЭРК юқори даражади тунги хуружлар кўринишиди кузатилади (умумий популяциянинг 44% ва БА билан ассоциацияланган ГЭРКди 67%). ЎСОК билан ассоциацияланган ГЭРКди ҳам касалликни оғир кечиш холатини ўсиши кузатилади (умумий популяцияди ЎСОКни иккинчи даражаси 30% ва ЎСОК билан ассоциацияланган ГЭРКди 63%).

Диссертациянинг «Гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги мавжуд бўлган беморларни клиник-эндоскопик ва биокимёвий текшириш натижалари» деб номланган тўртинчи бобида Гастроэзофагеал рефлюкс касаллигининг эндоскопик кўриниш кўрсаткичлари ўрганилди (1-жадвал).

1- жадвал

ГЭРК билан текширилган беморларларнинг эндоскопик тавсифномаси

Касаллик	Катарал эзофагит	Тарқоқ эрозиялар	Тарқалган эрозиялар	Функционал кардия етишмовчилиги	Диафрагма ости чурраси
ГЭРК	76 (46,6%)	62 (38,0%)	25 (15,3%)	103 (63,2%)	60 (36,8%)

1-жадвалдан кўришиб турибдики, 46,6%ди касаллик кўз билан кўринмайдиган эрозив зарарланишларсиз кечган бўлса, 53,3%ди эса қизилўнгач шиллик қаватининг эрозив зарарланиши билан кечиши қайд этилган. Гастроэзофагеал рефлюктант характери алоҳида қизиқиш уйғотди. Классик тушунча бўйича ГЭРК кислотага боғлиқ касалликлар қаторига киритилса, у ерди етакчи тушунча бўлиб меъда ширасининг гиперацидозлиги ҳисобланади, ҳозирги кунга келиб физиологик кардианинг турғунсизлик тушунчаси билан аралашиб кетишига асосий эътибор берилмоқди. Ҳақиқатан ҳам бизнинг тадқиқотларимиздан шу маълум бўлдики, фақат 46%ди рефлюктант нордон характерли ($pH \leq 4,0$) (2-жадвал), қолган холатларди (41,7%) рефлюктант аралаш характерга (4,0-6,0) ва ҳатто баъзиди ишқорий характерди (12,3%), бу ерди pH кўрсаткич 7,0 дан юқори бўлади.


2-жадвал

Гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги мавжуд беморларди қисқа мuddатли қизилўнгач ичи pH-метрияси


Беморлар гуруҳи	Нордон рефлюктант $pH < 4,0$	Аралаш рефлюктант $pH = 4,0-6,0$	Ишқорий рефлюктант $pH > 7,0$
ГЭРК	75 (46,0%)	68 (41,7%)	20 (12,3%)

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, гастроэзофагеал рефлюктантни аралаш ва ишқорий характерда бўлиши асосан дуоденогастрал рефлюктант (ДГР) таркибида ўт кислоталарининг тузлари ва юқори фосфолипаза фаоллигига эга бўлган лизолецитин борлиги билан таъминланади, бу ДГР таркибининг панкреатит компоненти учун хосдир. ГЭРК беморлари меъда ширасида иккиламчи гидрофоб диоксихолин ўт кислоталари (ЖК) микдорини ортиши кузатилади. Меъдада ДГРларнинг мавжуд бўлиши натижасида меъда ширасида деконъюгирланган (эркин) ўт кислота тузлари улушининг ортиши, айниқса уларнинг иккиламчи, захарли шакллари ҳисобига юз беради. ГЭРК белгиларининг меъда шираси таркибида шунингдек фосфолипаза фаоллигининг ортиши қайд қилинди, бу ҳолат дуоденогастрал рефлюктант таркибидаги ўтдан ташқари таркибида амилаза бўлган панкреатик шира ҳисобига юзага келади. ГЭРК беморларининг меъда ширасидаги фосфолипид фракцияларида силжишлар қайд қилинди, бу лизофосфотидилхолин фракцияларини ортиши ва фосфотидилхолин фракциялари улушини пасайиши (лецитин) билан намоён бўлади. Бу меъда шираси таркибида дуоденогастрал рефлюктантни юқори фосфолипаза фаоллиги бўлган турининг мавжудлиги билан кўп микдорда таъминланади. ГЭРК беморлари меъда ширасида маҳаллий ҳимоя омилларидан иммуноглобулин А секретор микдорини камайиши кузатилди, бу дуоденогастрал рефлюкс кузатилган ГЭРК беморларида янада яққол намоён бўлади. Шуларга мос ҳолда таҳмин қилиш мумкинки, қизилўнғач шиллиқ қаватининг зарарланиши хлорид кислотанинг альтернатив таъсири деконъюгирланган ўт кислота ва панкреатин шираси таркибининг йиғиндиси билан юзага келади. Бироқ сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, юқорида кўрсатилган омиллар қизилўнғачга билвосита таъсир кўрсатади, зарарлантиришда энг асосий омил бўлиб, яллиғланиш цитокинлари альтерация каскади таъсирида лимфоцитларнинг ажратмалари ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам, олинган натижалардан шу нарса маълум бўлдики, ГЭРКда ИЛ-6 яллиғланиш цитокин маҳсулотларининг 69,4%га ортиши назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан таққослаганда маълум бўлди. ($P \leq 0,001$) кейинчалик биз ўрганилаётган кўрсаткични ДГР бор ёки йўқлигига боғлиқ ҳолда вазиятни таҳлил қилиб, тадқиқ қилинаётган гуруҳлардаги иштирокчиларда ИЛ-6 кўрсаткичини боғлиқлигини ҳам ўргандик. Натижада шу нарса маълум бўлдики, ДГР мавжуд бўлмаганда ИЛ-6 кўрсаткичи назорат гуруҳига нисбатан 37,1%га ошади. ГЭРК беморларида ДГР мавжуд бўлганда ИЛ-6 кўрсаткичи 123,3%га ошади. ГЭРК беморлари гуруҳлари ўртасидаги ИЛ-6 кўрсаткичларининг фарқи 62,8%ни ташкил этади, бу ишончли фарқ ҳисобланади ($P \leq 0,001$) (1-2 расм).

Гастроэзофагеалрефлюкс касаллиги мавжуд беморлар қон зардобиди бошқа аўсма некрози фактори цитокинини текшириш ҳам худди шунга ўхшаш натижаларни берди. ГЭРК беморларида мазкур цитокиннинг лимфоцит маҳсулотлари 195,7%га ошди, бу назорат гуруҳининг шунга мос кўрсаткичларига таққослаб аниқланди. ($P \leq 0,001$).



1 расм. ГЭРК беморлар қон зардобида ИЛ-6 миқдори



2 расм. ГЭРК беморлар қон зардобида α-ЎНО миқдори

Дуоденогастрал рефлюксга мазкур цитокин концентрациясини боғлиқлик даражасини ўрганиш шуни кўрсатдики, Гастроэзофагеалрефлюкс касал беморлари меъдасида ушбу вазиятни бўлмаслиги, α-ЎНО кўрсаткичини назорат гуруҳида 68,6%га ошганлигини кўрсатади. ГЭРК беморлари гуруҳида α-ЎНО кўрсаткичларини ортиши 142,8%ни ташкил этди. ГЭРК беморлар қон зардобида кўрсаткич α-ЎНО кўрсаткичларини фарқи ДГР мавжудлигига боғлиқ ҳолда сезиларли даражада аниқ, яъни 44,1%ни ташкил этди ($P \leq 0,01$). Шунингдек, биз кардиал жом лизоцитларини функциясини аниқловчи омил бўлган азот оксиди якуний метаболитларини аниқлаш бўйича изланишлар ҳам олиб бордик. ГЭРКда қон зардобида нитрат ва нитритлар миқдорини ортиши кузатилди. Азот оксиди қолдиқ метаболитлари концентрациясини ортиши қизилўнгач шиллиқ қаватида эрозив зарарланиш ўчоқларини ортиши, бу эса қизилўнгачда локал яллиғланиш жараёнларини мавжудлиги сабабли юзага келади.

Диссертациянинг «**Овқат ўтказиш йўлидан ташқи, бронхообструктив асоратли гастроэзофагеал рефлюкс касаллигини кечишининг клиник ўзига хослиги**» деб номланган бешинчи боби бронхообструктив ҳолатдаги ГЭРКларни клиник, инструментал ва биокимёвий тадқиқ қилишнинг коморбидлигини очиб беришга бағишланган. Ўтказилган инструментал тадқиқотлар шуни кўрсатдики (3-жадвал) ГЭРКда овқат ўтиш йўлидан ташқи, бронхообструктив асоратларнинг мавжудлиги қизилўнгач ичи рефлюктантининг характерини ҳам сезиларли ўзгартиради.


3-жадвал

ГЭРК беморларда гастроэзофагеал рефлюктантларнинг хусусиятлари


Беморлар гуруҳи	Нордон рефлюктант рН<4,0	Аралаш рефлюктант рН=4,0-6,0	Ишкорий рефлюктант рН>7,0
ГЭРК	65,4%	32,0%	2,6%
ГЭРК+БА	80,3%	9,7%	-
ГЭРК+ЎСОК	18,5%	44,4%	37,1%

ГЭРКнинг асоратсиз шакллари билан оғриган беморларида қизилўнгач рефлюксининг характерини учдан икки қисмида нордон кўринишда ва учдан

бирида эса аралаш характерда бўлиши кузатилди. Фақат икки ҳолатдагина биз чин ишқорий рефлюкс мавжудлигини қайд қилдик. ГЭРКнинг БА кўринишидаги овқат ўтиш йўлидан ташқи, бронхообструктив асоратлари мавжуд бўлганда рефлюктант кўпинча нордон характерда бўлади. ЎСОК кўришидаги ГЭРКларнинг овқат ўтиш йўлидан ташқи асоратлари бор бўлган беморларда тескари ҳолатни кузатдик. Фақатгина 18,5%да рефлюктантнинг нордон характерини, беморларнинг қолган асосий қисмида рефлюктант чин ишқорий (37,1%) ёки аралаш характерда (44,4%) бўлиши кузатилди. ГЭРК ва БАнинг коморбидлик ҳолатида рефлюктантнинг нордон кўриниши характерли бўлса, ($P \leq 4,0$), ГЭРК ва ЎСОК коморбидлигида эса рефлюктантнинг аралаш кўриниши ($pH=4,0-6,0$) ва ишқорий кўриниши ($pH > 7,0$) хосдир, буларнинг барчаси уларнинг таркибида хлорид кислотадан ташқари ўт кислота тузлари ва панкреатик шира мавжудлигидан далолат беради. Шунингдек, бу ҳолат тадқиқотда иштирок этган барча беморларда ГЭРК+ЎСОК кузатилган ҳолатларда дуоденогастрал рефлюкс (ДГР) борлиги маълум бўлиб, уларда эркин, деконъюгирланган бирламчи ва иккиламчи (овқат ҳазм қилиш йўлининг барча шиллик қаватлари учун заҳарли бўлган) ўт кислоталари (3-расм) ва рефлюктант таркибидаги юқори фаолликка эга бўлган металлофермент фосфолипаза А2-панкреатин таркибидаги ширасига хосдир. (4-расм).



3-расм. ГЭРК беморларда ДГР синдроми сони



4-расм. ГЭРК беморлари ошқозон ширасида фосфолипаза А₂ фаоллиги

Шу билан бир вақтда ГЭРК ва БАнинг коморбидлик ҳолатига рефлюктантнинг нордон характерда бўлишидан ташқари α -ЎНО ва ИЛ-6 яллиғланиш цитокинларининг ва оксид азоти метаболитларининг ишончли даражада юқори миқдорда бўлиши аниқланган (4-5-жадвал)

4-жадвал

ГЭРКнинг БА ва ЎСОК ассоциацияланган беморларнинг қон зардобида ИЛ-6 ва α -ЎНО миқдори

Беморлар гуруҳи	ГЭРК (п-78)	ГЭРК+БА (п-44)	ГЭРК+ЎСОК (п-41)
ИЛ-6 пг/мл	40, 5 \pm 3,5	56, 8 \pm 3,8*	45,7 \pm 3,0
α -ЎНО пг/мл	6, 5 \pm 0,4	9, 3 \pm 0,6*	7, 2 \pm 0, 4

Изоҳ: * - ГЭРК беморларнинг кўрсаткичларнинг ишончли фарқи ($p < 0,05$)

ГЭРКнинг БА ва ЎСОК ассоциацияланган беморларнинг қон зардобида азот оксидининг қолдиқ метаболитларнинг миқдори


Беморлар гуруҳи	ГЭРК (п-78)	ГЭРК+БА (п-44)	ГЭРК+ЎСОК (п-41)
Нитрит ва нитратлар(мкмоль/л)	23, 6± 2, 5	33, 8± 3, 0*	25, 7± 2, 8

Изоҳ: * - ГЭРК беморларда кўрсаткичларининг ишончли фарқи ($p < 0,05$)

Диссертациянинг «Гастроэзофагеал рефлюкс билан оғриган беморлар даволаш динамикасида овқат йўлидан ташқи ва овқат йўлидаги асосий параметрларини ўзгариш динамикаси» деб номланган олтинчи бобида Гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги мавжуд беморларини БА ва ЎСОК билан коморбидлик ҳолатида даволаш натижалари келтирилган. ГЭРК билан оғриган барча беморлар 8 ҳафта давомида бир марта рабепрозолни 20 мг миқдорда қабул қилдилар. БА билан ассоциацияланган ГЭРК беморлари иккита репрезентатив гуруҳга бўлинди. Биринчи гуруҳ беморлари рабепрозолдан ташқари GINA тавсиясига кўра қисқа вақт таъсир этувчи бронхни кенгайтирувчи воситалар (венталин, сератид)ни, иккинчи гуруҳ беморлари эса аналогик даволаш комплексига азот оксиди метаболизмини коректрловчи метионин дори воситасини 0,5 граммдан кунига 3 марта қабул қилдилар. ГЭРК симптомларини, ГЭРК беморлари, ГЭРК+БА ва ГЭРК+ЎСОК беморлари касаллик белгилари йиғиндисини динамикада кузатиш шуни кўрсатдики, ГЭРКни даволашда ППИ терапияни антисекретор сифатида қўллаш юқори самара берди. ППИ воситаларини қўллаш касалликни оғриқ ва диспептик белгиларини бартараф этишга ёрдам беради. Даволашнинг 8 ҳафтасига келиб, кўп сонли беморларда қизилўнғач эрозив ва яллиғланишли зарарланишлари пасайиши ва 50% беморларда эндоскопик ремиссия кузатилди. Бу кислота ҳосил бўлиши ва кислотани нейтраллаш фаол соҳаларида кислота даражасини пасайишини таъминлайди. Шунингдек, беморларнинг ҳаёт сифат кўрсаткичларини сезиларли даражада меъёрлаштириш ҳам қайд этилди. ГЭРКнинг БА билан шакли билан оғриган ассоциацияланган беморлар қон плазмаси концентрациясини аниқлаш учун олиб борилган тадқиқотларда (5-расм) антисекретор терапия қабул қилмаган назорат гуруҳида, тадқиқотнинг 4 ва 8 ҳафтадан сўнг азот оксидини қолдиқ метаболитлари таркиби бўйича сезиларли ўзгаришлар кузатилмади.


ППИ воситасини қабул қилган биринчи гуруҳ беморларида тўртинчи ҳафтага бориб, нитрит ва нитратларни камайиш тенденцияси, қон плазмасида ушбу метаболитларнинг ишончли камайиши 25,5% ($P \leq 0,05$), даволашнинг 8 ҳафтасига келиб эришилди.

